

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ДИЛСОРА НУРИДДИНОВНА

**АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАРДА УЧ ШОХЛИ НЕРВ НЕВРАЛГИЯСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical
sciences**

Жураева Дилсора Нуриддиновна Аёллар ва эркакларда уч шохли нерв невралгиясининг ўзига хос кечиши.....	3
Жураева Дилсора Нуриддиновна Особенности течения тригеминальной невралгии у женщин и мужчин.....	23
Juraeva Dilsora Nuriddinovna Distinctive course trigeminal neuralgia at women and men.....	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ДИЛСОРА НУРИДДИНОВНА

**АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАРДА УЧ ШОХЛИ НЕРВ НЕВРАЛГИЯСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib72 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Бахтиёр Гафурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимбаева Гулнара Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Олма-ота тиббиёт академияси.

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо -Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51- уй.

Диссертация автореферати 2018 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди,
доцент

Я.Н.Маджидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Уч шохли нерв невралгияси клиник неврологияда кўп учрайдиган барқарор оғрик синдромларидан бири ҳисобланиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра 100 000 аҳолига 30-50 ҳолатга тўғри келади. Уч шохли нерв невралгияси юз соҳасида учрайдиган кўп тарқалган неврологик касалликлардан бири бўлиб, бош оғриғи кўринишлари орасида 3-7% учрайди, кўпинча 40 ёшдан ошган аёллар касалланади. У оғир кечиши ва етарли даражада самарали даво усуллари йўқлиги билан фарқ қилади. Абадиётдаги маълумотларга кўра, бош оғриғида 29%, юз оғриғида эса 48% ҳолатда беморларга нотўғри ташхис қўйилади. Тил-ҳалқум невралгиясидан 50 марта ва юқори ҳиқилдоқ нерви невралгиясига нисбатан эса 100 марта кўп учрайди¹.

Ҳозирги кунда жаҳонда уч шохли нерв невралгиясининг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг кечиши ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан сўнгги йилларда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлилидан келиб чиқсақ, Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Испания, Буюк Британияда ўртача касалланиш 62 ёшни ташкил қилади, 46 % беморларнинг ёши 65 ёшдан катта. Беморларнинг кўп қисмини аёллар(67%) ташкил қилади. Касалликнинг жинслар орасидаги турли хил кечиши ўрганилмаган², ваҳоланки, бу даволашни танлашда катта аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики касалликнинг кенг тарқалганлиги, жинслар орасида турлича кечиши, ҳали ҳанузгача самарали даво усуллариининг йўқлиги касалликни ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражада кўтариш борасида мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада хусусан, уч шохли нерв невралгияси билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш чоралари мавжуд. Шу билан бирга, уч шохли нерв невралгиясида кўрсатиладиган ёрдамни такомиллаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги илмий асосланган натижалар зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»га³ қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

¹ Грачев Ю.В. Пароксизмальная и непароксизмальная тригеминальная боль. Краткое практическое руководство для неврологов, стоматологов и врачей общей практики / Москва, 2009. Том Часть II Травматическая, герпетическая, деафферентационная и аутоиммунная формы тригеминальной невралгии.

² Legatto M.D., Marianne J. Principles of Gender – Specific Medicine Gender in the Genomic Era // Academic Press. 2017. P. 258-265

³ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари касалликни жинслар орасида таққослаб ўрганишни, беморларда психо – вегетатив ҳолатни таҳлил қилишни, давога дифференциал ёндршув зарурлигини кўрсатади. Бугунги кунда уч шохли нерв невралгияси тарқалганлиги, клиник жиҳатлари, даво усуллари ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан Россияда касалликнинг тарқалиши, этиопатогенези, клиник жиҳатлари, оқибатлари ва даволашга бағишланган тадқиқотлар сифатида А.В Степанченко [2002 й], Тюрников В.М [2005 й], С.С Павленко [2007 й], Е.Б. Афанасьева [2007 й], Е.Б. Балязин [2010 й] каби олимларнинг илмий изланишларини айтиш мумкин.

Уч шохли нерв невралгияси ҳақидаги биринчи маълумотларга 200 йилдан ошган бўлишига қарамасдан, бу касалликнинг этиологияси, патогенези ва давоси тўлиқ ҳал қилинган эмас. Шу сабабли бу касалликнинг юқори самарали даво усули ҳам йўқ [О.Н. Мельникова 2004 й]. Уч шохли нерв невралгияси тахминан 30-35% ҳолатларда хуружсимон оғриқ санчувчи кўринишда, сезгининг пасайиши, «чумоли юриши», ҳамда тишларда, камдан-кам жағларда доимий тўмтоқ, симилловчи оғриқ кўринишида пайдо бўлади. Тахминан 1/3 қисм беморларда, шу шикоятлар сабабли турли стоматологик муолажалар, шу жумладан, зарарланмаган тишларни тортиб ташлаш кузатилади [Тюрников В.М. 2013]. Уч шохли нерв невралгияси билан клиникага биринчи марта қабул қилинган беморларнинг ўртача ёши 55 ёшни ташкил қилади, ваҳоланки, анамнестик маълумотлар касалликнинг 8-10 йил олдин бошланганлигидан гувоҳлик беради. Оғриқнинг биринчи хуружи 34% ҳолда ҳеч қандай сабабсиз, 27% тиш даволаш вақтида, 17% салбий ҳис-ҳаяжон билан боғлиқдир, қолган ҳолларда касалликнинг бошланишида турли хил омиллар (тўсатдан юзнинг совуқ қотиши, респиратор инфекциялар, маҳаллий жароҳатлар ва бошқалар) қўшилиб келади [Грачев Ю.В 2002]. Ўзбекистонда уч шохли нерв невралгиясининг этиопатогенези, касалликнинг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволаш масалалари бўйича

Н.М.Маджидов [2002 й], хирургик даво усуллари бўйича А.У. Мирзаев [2007 й] бир қатор текширувлар олиб борганлар.

Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан уч шохли нерв невралгиясининг диагностик мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас, самарали даво чоралари ишлаб чиқилмаган. Шунга мувофиқ, уч шохли нерв невралгиясининг клиник-патогенетик кечиш хусусиятларини жинс диморфизми аспектида чуқур ўрганиш, касалликда кузатиладиган психо - эмоционал ҳолатни баҳолаш ва вегетатив бузилишлар даражасини аниқлаш янги диагностик имкониятларнинг очилишига ёрдам беради ва самарали даво чораларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш лозимлигини талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Аёллар ва эркакларда уч шохли нерв невралгиясининг этиопатогенетик ва клиник кечишининг ўзига хослиги» (2013-2018 йй.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади идиопатик уч шохли нерв невралгияси билан оғриган аёллар ва эркакларда касалликнинг клиник хусусиятларини, патогенетик структурасини, вегетатив, психологик ҳолатини таҳлил қилиш ва давога дифференциал ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жинсга боғлиқ ҳолда уч шохли нерв невралгиясининг клиник кечишини таққослаб баҳолаш;

уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморларда жинсга боғлиқ ҳолда вегетатив ва психологик ҳолатни баҳолаш;

жинсга боғлиқ ҳолда уч шохли нерв невралгиясида кузатиладиган хуруж ва хуружлар аро ҳолатларда бош мия функционал ўзгаришларини ЭЭГ усули орқали исботлаш;

беморларда уч шохли нерв невралгиясини жинсга боғлиқ ҳолда нейрофизиологик хусусиятларини аниқлаш;

олинган маълумотлар асосида эркак ва аёлларда қиёсий даво чораларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида идиопатик уч шохли нерв невралгияси билан касалланган 268 нафар бемор танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети уч шохли нерв невралгиясининг тарқалганлиги, келтириб чиқарадиган сабаблар, невралгия хуружини кўзгатувчи омиллар, оғриқ хуружи давридаги беморларнинг руҳий ҳолати, вегетатив нерв фаолиятига дифференциал ёндошувдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клинко - неврологик, психо-вегетатив, нейрофизиологик (ЭЭГ, РЭГ), статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уч шохли нерв невралгиясида касалликнинг кечиши, оғрик интенсивлиги, хуруж давридаги психо-вегетатив ўзгаришлар жинслар орасида аниқланган;

уч шохли нерв невралгиясини даволашда беморларнинг жинси инобатга олиб, қиёсий даво қўлаш мақсадга мувофиқлиги психодиагностик тест ва ЭЭГ натижаларига асосланиб исботланган;

уч шохли нерв невралгиясида бош мия қон томирлар тонуси ва мия биоэлектрик активлигини солиштириб жинс диморфизми аспектида аниқланган;

даволашда психодиагностик тест ва ЭЭГ натижаларига асосланиб касаллик хуружларини камайтиришга қаратилган дифференциаллашган даво чора - тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уч шохли нерв невралгиясини келтириб чиқарувчи сабаблар, невралгия хуружини қўзғатувчи омиллар, касалликнинг клиник белгилари, хуруж давридаги беморларнинг руҳий, вегетатив ҳолатини жинс аспектида ўрганиш ва уларни олдини олиш, ремиссия даври узайиб, беморлар саломатлик ҳолатини, турмуш сифатини яхшилаш имконини беришга асосланган;

уч шохли нерв невралгиясини даволашда антиконвульсантларнинг самарадорлигини ЭЭГ таҳлили натижаларига нисбатан прогноз қилиш мумкинлиги, ЭЭГ текширувнинг билатерал пароксизмал активлик тури кузатилган беморларда антиконвульсантларнинг самараси юқорилиги, десинхрон турида эса, бундай самаранинг нисбатан камроқлиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жамоат саломатлиги ва Соғлиқни сақлаш менежменти усуллари, расмий маълумотлардан фойдаланиш ва сўров натижасида олинган ахборотларнинг умум қабул қилинган усуллар асосида тизимлаштирилиши, тиббий-ижтимоий текшириш усулларининг қўлланилиши, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, эркак ва аёл беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича назарий билим даражасини кенгайтириш имконини беради. Тадқиқотдан олинган натижалар уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморларда нафақат даво муолажаларини ўз вақтида бошлаш, балки даволашда жинс аспектига дифференциал ёндошув зарурлигига асосланган. Ушбу касалликда беморларнинг психо – вегетатив ҳолатини ўрганиш зарурлиги психодиагностик тест ва РЭГ таҳлилари асосида илмий асослаб берилди. Даво тактикасини танлашда антиконвульсантларнинг самараси ЭЭГ таҳлил натижаларига асосланиб прогноз қилиш мумкинлиги илмий

асослаб берилди. Анъанавий даво муолажасини антидепрессантлар билан бирга қўллаш айниқса аёлларда даво самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшиланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уч шохли нерв невралгиясини деволашда беморларнинг руҳий ҳолати (Спилбергер тести), вегетатив ўзгаришларни (Вейн вегетатив тестлари асосида) иноботга олган ҳолда даво муолажаларига дифференциал ёндошув, давога антидепрессантларни қўшиб қўллаш даво самарасини ошириш билан изоҳланди. Уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморларда ЭЭГ таҳлилларини ўтказиш зарурлиги даво тактикасини танлаш ва прогнозлаш имконини берди. Беморларда психовегетатив бузилишларни коррекциялаш вегетатив ўзгаришлар аёлларда 29,8 % га, эркекларга 24,7 % га камайиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши: олинган илмий натижалар асосида уч шохли нерв невралгиясида руҳий ўзгаришлар ва касаллик хуружини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ва даволаш бўйича:

«Сурункали уч шохли нерв невралгиясида иккиламчи психологик ўзгаришлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 21 сентябрдаги 8н-р/303-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эркек ва аёлларда идиопатик уч шохли нерв невралгиясининг хуружини камайтириб ремиссия даврининг узайиши ва даво чораларини мукамаллаштириш имконини яратади;

даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида, тадқиқот натижалари даволаш-профилактика муассасаларига, хусусан Бухоро вилоят Жондор тумани ва Бухоро вилояти Пешку тумани марказий поликлиникаларида амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 2 февралдаги 8н-д/8-сон маълумотномаси). Ишнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш ва уни таҳлил этиш натижасида уч шохли нерв невралгияси билан амбулатор-поликlinik хизматга қилинган мурожаатлар 6-7 мартага камайиб, даволашга кетадиган сарф-харажатларни 20% га камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 14 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Уч шохли нерв невралгиясининг этиопатогенетик, клиник, диагностика ва даволаш масалалари**» деб номланган биринчи бобида уч шохли нерв невралгияси тўғрисида сўнгги йилларда чоп этилган материаллар акс этган. Шунингдек, уч шохли нервнинг невралгиясининг тарқалиш даражаси, келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, касалликнинг патогенези, бундан ташқари клиник кечиши, диагностика усуллари ва даволашга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уч шохли нерв невралгиясини баҳолашга оид тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён қилинган. Текширишлар уч шохли нерв невралгияси ўтказган беморларни таҳлил қилишга асосланган бўлиб, улар Бухоро вилоят кўп тармокли тиббиёт марказида 2008-2014 йиллар давомида олиб борилди. Бу давр мобайнида уч шохли нерв невралгияси ташхиси билан 268 та 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган беморларда текширилди. Тадқиқотга жалб қилинган беморлар 2 та гуруҳга бўлинди: I гуруҳ - эркаклар 97 та, II гуруҳ – аёллар 171 та. Беморлар орасида клиник текширувларнинг ўзига хослиги, психологик текширувлар, вегетатив текширувлар 97 нафар эркак ва 171 нафар аёлда таҳлил қилинди. 30 нафар эркак ва 41 нафар аёлда ЭЭГ таҳлили ўтказилди. 35 нафар эркак ва 30 нафар аёлда РЭГ текшируви ўтказилди.

Улар ёш бўйича қуйидагича тақсимланди: 16 - 24 ёш – ўсмир ёшдаги 38 нафар бемор ($14,2 \pm 2,1\%$) улардан 15 нафар эркак ($15,5 \pm 3,7\%$) ва 23 нафар аёл ($13,4 \pm 2,6\%$); 25 - 44 ёшли 100 нафар бемор ($37,3 \pm 2,9\%$), улардан 33 нафар эркак ($34 \pm 4,8\%$) ва 67 нафар аёл ($39,2 \pm 3,7\%$). 45 - 59 ёшли 90 нафар бемор ($33,6 \pm 2,9\%$), улардан 24 нафар эркак ($24,7 \pm 4,3\%$) ва 66 нафар аёл ($38,6 \pm 3,7\%$); 60– 74 ёшли 40 нафар бемор ($14,9 \pm 1,6\%$), улардан 25 нафар эркак ($25,8 \pm 4,4\%$) ва 15 нафар аёл ($8,8 \pm 2,1\%$).

Илмий тадқиқотни ўтказиш учун қуйидаги текшириш усулларида фойдаланилди: беморлар шикоят, касаллик ва ҳаёт анамнези, клиник-неврологик текширувлар, психологик таҳлиллар (Спилбергер тести),

вегетатив ўзгаришлар (Вейн вегетатив тестлари), оғриқ даражаси (Визуал аналогик шкала), элекроэнцефалография (ЭЭГ), реоэнцефалография (РЭГ) ва махсус формулаларда математик солиштирма таҳлил ва статистика усуллари ёритилган.

Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичида далилларга асосланган тиббиёт ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Жумладан, нисбий ва ўртача миқдорлардан фойдаланиб ўртача хатоликлар (m), ишончлилиқ коэффициентлари (t), хатоликлар эҳтимоллиги (p) ни ҳисоблаш амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Жинсга боғлиқ ҳолда уч шохли нерв невралгияси этиологияси, ховф омиллари ва клиник кечиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида уч шохли нерв невралгияси билан оғриган беморларда олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Биз Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимида беш йил давомида 268 та идиопатик уч шохли нерв невралгияси ташхиси билан даволанган беморларда таҳлил олиб бордик. Тадқиқот олиб бориладиган беморларни икки гуруҳга бўлиб ўргандик, биринчи гуруҳ эркаклар 97 нафар ($36,2 \pm 2,9$), иккинчи гуруҳ аёллар 171 нафар ($63,8 \pm 2,9$). Бундан кўриниб турибдики биз олиб борган текширувларда идиопатик уч шохли нерв невралгияси ташхиси билан даволанган аёллар эркакларга нисбатан 1,8 мартага кўп кузатилди. Гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0.001$ ни ташкил қилди.

Идиопатик уч шохли нерв невралгияси хуружига сабаб бўлувчи омилларни жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилганимизда қон босимининг ошиши ва нотекислиги эркакларда аёлларга нисбатан кўпроқ (мос ҳолда $28,9 \pm 4,6 : 22,2 \pm 3,2$, $p < 0.05$) кузатилди. Тиш ювганда невралгия хуружларининг кузатилиши эркаклар ва аёлларда деярли бир хилда ($39,2 \pm 5,0 : 38,0 \pm 3,7$) кузатилди. Овқатланиш билан боғлиқ бўлган невралгия хуружларида аёллар устунлиги ($21,6 \pm 3,1 : 18,6 \pm 3,9$) кузатилди. Асабийлашиш билан боғлиқ бўлган невралгия хуружлари аёлларда эркакларга нисбатан ишончли равишда фарқ ($38,6 : 25,8$, $p < 0.01$) кузатилди. Совуқ шабада аёлларда ҳам эркакларда ҳам невралгия хуружига сабаб бўлувчи бошқа омилларга нисбатан энг кўп кузатилди, қайсики бу аёлларда ҳам, эркакларда ҳам 50 % дан кўп. Бундан кўриниб турибдики қон босимининг ошиши ва нотекислиги эркакларда, асабийлашиш аёлларда невралгия хуружига сабаб бўлди.

Визуал аналогик шкала оғриқ бўсағасини аниқлашда ишлатиладиган асосий шкалаларидан биридир. Визуал аналогик шкала бўйича оғриқ даражасини аниқлаганимизда, 5-6 балли оғриқлар аёлларда эркакларга нисбатан юқорилиги ($10,5 : 6,2$) кузатилди. 7-8 балли белгилаган аёллар эркакларга нисбатан кўплиги ($52 : 43,3$) кузатилди. Аёллар ва эркаклар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0,05$ ни ташкил қилди. ВАШ бўйича 9-10 балл эса эркакларда аёлларга нисбатан ишончли фарқ қилганлигини кузатдик ($50,5 : 37,5$ фарқ ишончлилиги $p < 0,01$). Эркакларда 9-10 балли оғриқлар 5-6 балли оғриқларга нисбатан 8 марта юқори. Аёлларда 7-8 балли

оғриқлар 5-6 балли оғриқларга нисбатан 5 марта, 9-10 балли оғриқларга нисбатан эса 1,4 мартага кўплигини кузатдик.

ВАШ бўйича юз қиёфасига қараб оғриқ интенсивлиги текширилганда аёлларнинг аксариятида (51,5± 3,8) кучли интенсивликдаги оғриқлар безовта қилган бўлса, эркакларда жуда кучли оғриқлар (48,5±5,1) кўп безовта қилди. Ўртача интенсивликдаги оғриқлар эркакларда аёлларга нисбатан бир оз кўпроқ (17,5:14,6) кузатилди. Кучли даражадаги оғриқларда аёлларда устунлик (51,5:34,0, $p<0.01$) кузатилди. Аёлларда кучли даражадаги оғриқлар ўрта даражадаги оғриқлардан 3,5 баробарга, жуду кучли оғриқлардан 1,5 баробарга юқори. Жуда кучли оғриқлар эса эркакларда устунлик (48,5:33,9 $p<0.01$) кузатилди. Бу эркакларда кузатилган ўрта даражадаги оғриқлардан 2,8 мартага, кучли оғриқлардан 1,4 мартага юқори. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Эркак ва аёлларда оғриқ интенсивлигини баҳолаш (%)

Оғриқ даражалари	Эркаклар	Аёллар	жами
Ўртача оғриқ	17,5±3,9	14,6±2,6	42
Кучли оғриқ	34,0±4,8*	51,5± 3,8*	121
Жуда кучли оғриқ	48,5±5,1*	33,9±3,6*	105
жами	97	171	268

Изоҳ: *- $p<0.01$ эркак ва аёл гуруҳлар ўртасидаги фарқ ишончлилиги.

Уч шохли нерв невралгиясида беморларда турли даражадаги сезги ўзгаришлари кузатилди. Баъзи беморларда юза сезгининг кучайиши кузатилган бўлса бошқаларида суст бўлиши, баъзи беморларда эса умуман йўқолиши кузатилди. Тадқиқот олиб борилган беморларда юза сезги текширилганда иккала жинсда ҳам аксарият қисмида гиперестезия ҳолатини кузатдик ва бу аёлларда эркакларга нисбатан кўплиги (74,3 ±3,3: 68,0 ±4,7, $p<0.05$) кузатилди. Юза сезгининг пасайиши, яъни гипестезия аёлларга нисбатан эркакларда биров устунлик (28,0 ±4,5 : 21,6 ±3,1, $p<0.05$) кузатилди. Биз буни 2-жадвал мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Невралгия хуружида кузатиладиган сезги ўзгаришлари (%)

Параметрлар	Эркаклар		Аёллар		жами
	
Гиперестезия	66	68,0 ±4,7*	127	74,3 ±3,3*	193
Гипестезия	27	28,0 ±4,5*	37	21,6 ±3,1*	64
Анестезия	4	4,0 ±1,9	7	4,1 ±1,5	11
Жами	97		171		268

Изоҳ: *- $p<0.05$ эркак ва аёл гуруҳлари ўртасидаги фарқ ишончлилиги.

Биз текшириш олиб борган беморларда таъм билишнинг ўзгариши эркакларда аёлларга нисбатан кўп (20,6:8,8) кузатилди. Иккала гуруҳ ўртасидаги фарқ ишончлик даражаси $p < 0,01$ ни ташкил қилди. Аёлларнинг асосий қисмида (91,2%) сезгида ўзгариш сезилмади, эркакларда бу кўрсаткич 79,4% ни ташкил қилди. Эркакларда таъм билишнинг ўзгариши ўнг томонга нисбатан чап томонда бироз кўплиги (11,3:9,2) кузатилди. Аёлларда эса ўнг томонда сезгининг бузилиши чап томонга нисбатан юқорилиги (5,3:3,5) кузатилди. Биз буни 3-жадвал мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Уч шохли нерв невралгиясида таъм билиш сезгисининг бузилиши (%)

Параметрлар	Эркаклар	Аёллар	жами
1. ўзгармаган	79, 4±4,1*	91,2±2,2*	233
2. ўзгарган	20,6±4,1*	8,8±2,2*	35
А. ўнгда	9,2±2,9	5,3±1,7	18
Б. чапда	11,3±3,2	3,5±1,4	17
жами	97	171	268

Изоҳ: * - $p < 0,01$ эркак ва аёл гуруҳлари ўртасидаги фарқ ишончилиги.

Биз беморларда Вейн вегетатив тестлари асосида вегетатив ўзгаришларни таҳлил қилганимизда, текшириш натижалари шуни кўрсатдики, аёлларда вегетатив дистония синдроми эркакларга нисбатан кўп (81,3:64,9) кузатилиб, гуруҳлар орасидаги ишончлилик даражаси $p < 0,01$ ни ташкил қилди.

Текшириш олиб борилган аёлларда хуруж вақтидаги турли вегетатив ўзгаришлар эркакларга нисбатан яққол ифодаланди: оғриқ хуружи даврида тахикардиянинг кузатилиши аёлларда эркакларга нисбатан устунлик (39,2:29,9, $p < 0,05$) кузатилди. Оғриқ хуружи даврида брадикардиянинг учрашида ҳам аёлларда устунлик (29,8:26,8) кузатилди. Оғриқ хуружи даврида ҳар иккали жинс вакилларида ҳам тахикардиянинг учраши брадикардияга нисбатан кўпроқ кузатилди. Оғриқ хуружи даврида тери вазомотор реакцияси, яъни юз гиперимияси аёлларда эркакларга нисбатан юқорилиги (44,4:36,1, $p < 0,05$) кузатилди. Оғриқ хуружи даврида юз терисининг оқимтирлигида ҳам аёлларда устунлик (36,8:28,9) кузатилиб, гуруҳлар орасидаги ишончлилик даражаси $p < 0,05$ ни ташкил қилди. Оғриқ хуружи даврида юзнинг қизариши ҳар иккали жинс вакилларида ҳам юзнинг оқаришига нисбатан кўп кузатилди. Невралгия хуружи даврида кучли терлашнинг кузатилишида аёллар устунлиги (мос ҳолда 31:28,9) кузатилди. Кучли оғриқ хуружи даврида нафас олишнинг қийинлашуви ҳам эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ (29,2:25,8) кузатилди. Невралгия хуружи даврида ошқозон ичак системасидаги турли бузилишларда аёллар устунлиги

(43,9:35,1, $p < 0.05$) кузатилди. Бундан кўришиб турибдики эркакларда вегетатив ўзгаришлар аёлларга нисбатан суст ифодаланди.

Уч шохли нерв невралгияси хуружи вақтида хушдан кетиш, меҳнат қобилиятининг пасайиши, хуружсимон бош оғриғи, безовталик, тери рангининг ўзгариши, нерв мушак кўзгалиши каби бир қанча ҳолатларни ўргандик. Олиб борилган текширувлар шуни кўрсатдики оғриқ хуружи даврида хушдан кетиш ҳолатларида аёлларда устунлик (9,9:2,1) кузатилди. Аёл ва эркак гуруҳлар орасидаги фарқ ишончилиги $p < 0,01$ ни ташкил қилди. Оғриқ хуружи даврида хуружсимон бош оғриқлари эркакларда аёлларга нисбатан кўпроқ (72,2:67,8) кузатилди. Сурункали оғриқлар туфайли келиб чиқадиган меҳнат қобилиятининг пасайиши ҳар иккала жинс вакилларида бир хилда кузатилди. Сурункали оғриқлар натижасида келиб чиқадиган безовталик, таъсирчанлик, ғазабланиш ўзини тута олмаслик аёлларларда эркакларга нисбатан яққол (63,7:54,6, $p < 0.05$) кузатилди. Оғриқ хуружи вақтида нерв мушак кўзгалиши, мушаклар спазмига мойилликларда аёллар устунлиги (15,2:10,3 $p < 0.05$) кузатилди. Томирли тақинчоқ, бўйин, юз ва кўкрак қафасида турли хилдаги гиперемик доғлар аёлларда эркакларга нисбатан кўп (18,1:14,4) кузатилди. Невралгия хуружи даврида бармоқ учлари ва қафтда ранг ўзгаришларни (рангпар гиперемия, цианотик, акроцианоз) таҳлил қилганимизда ҳам аёлларда устунлик (26,9:15,5) кузатилди. Уч шохли нерв невралгиясининг оғриқ хуружи даврида дермографизмни (қизил, пушти рангпар) таҳлил қилганимизда эркакларда устунлик кузатилди. Уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморларда иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши касалликнинг кечишига ва хуруж юзага келишига таъсирини ўрганганимизда барча беморларнинг $\frac{1}{4}$ қисмида кузатилиб улар об-ҳаво ўзгарган вақтда ўзини ёмон ҳис қилишини таъкидлашди. Ҳар иккала жинс вакилларида бир хилда (24,7:25,1) кузатилди. Иссиқ ёки совуқда ўзини ёмон ҳис қилиши эса иккала гуруҳда ҳам беморларнинг $\frac{1}{3}$ қисмида бўлиши аниқланди. Эркаклар ва аёллар орасида деярли бир хилда кузатилди. Бундан куришиб турибдики деярли барча ҳолатларда вегетатив ўзгаришларда аёллар устунлиги яққол намоён бўлди, бизнинг фикримизча бу аёлларнинг турли хилдаги ҳис ҳаяжонларга тез берилиши билан боғлиқ. Текширув натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Хуруж даврида жинсга боғлиқ ҳолда вегетатив белгиларнинг намоён бўлиши (%)

Клиник белгилар	Эркаклар		Аёллар	
	Абс. сон	%	Абс. сон	%
Хуружсимон бош оғриғи	70	72,2±4,6	116	67,8±3,6
Меҳнат қобилиятининг	13	13,4±3,5	23	13,5±2,6

пасайиши				
Безовталиқ, таъсирчанлик, ғазабланиш, ўзини туга олмаслик	53	54,6±5,1**	109	63,7±3,7**
Нерв мушак кўзғалиши, мушак спазмига мойиллик	10	10,3±3,1**	26	15,2±2,7**
Томирли тақинчок (бўйин, юз, кўкрак кафасида гиперемик доғлар)	14	14,4±3,6	31	18,1±2,9
Бармоқ учлари ва кафтда ранг ўзгариши (рангпар гиперемия, цианотик, акроцианоз)	15	15,5±3,7	46	26,9±3,4
Дермографизм (қизил, пушти рангпар)	21	21,6±4,2	33	19,3±3,0
Об-ҳаво ўзгаришида ўзини ёмон ҳис қилиш	24	24,7±4,4	43	25,1±3,3
Иссиқ ёки совуқда ўзини ёмон ҳис қилиш	30	30,9±4,7	54	31,6±3,6
Ҳушдан кетиш	2	2,1±1,4	17	9,9±2,3*

Изоҳ: *- $p < 0,01$, ** - $p < 0,05$ эркаклар ва аёллар гуруҳлари ўртасидаги фарқ ишончлилиги.

Беморлар орасида уйқу бузилишини таҳлил қилганимизда қийин уйқуга кетишда аёллар устунлиги (15,8:11,3) кузатилди. Уйқуда безовта бўлиш ҳам аёлларда эркакларга нисбатан кўп (33,3:25,8) кузатилди. Гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0,05$ ни ташкил қилди. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам бу қийин уйқуга кетишга нисбатан 2 баробарга кўп. Уйқудан тўймаслик эркакларда аёлларга нисбатан юқори (27,8:24,6) эканлиги аниқланди.

Биз беморларда Спилбергер тести натижасида хавотир даражаларини таҳлил қилдик ва қуйидаги натижалар кузатилди. Реактив хавотир ҳар иккала жинс вакилларида деярли бир хилда кузатилди. Шахсий хавотирнинг ўрта даражаси эркакларда аёлларга нисбатан юқори фоизларда (55,7:40,4 $p < 0,01$) кузатилди. Шахсий хавотирнинг оғир даражаси эса аёллада эркакларга нисбатан кўплиги (59,6:44,3) кузатилиб гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0,01$ ни ташкил қилди. Аёлларда шахсий хавотирнинг оғир даражаси ўрта даражасидан 1,5 мартага кўп.

Хавотир даражасини аёллар ва эркаклар орасида таққослаганимизда реактив хавотирнинг оғир даражаси 16-24 ёшдаги эркакларда, аёлларга нисбатан кўп кузатилиб (53,3: 43,5), шахсий хавотирнинг оғир даражаси ҳам шу ёшдаги эркакларда нисбатан кўпроқ кузатилиб (60:47,8) бу даволашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. 25-44 ёшдаги беморларда реактив хавотирнинг ўрта даражаси эркакларда, оғир даражаси аёлларда кўп кузатилди ($p<0,05$). 25-44 ёшдаги аёлларда шахсий хавотирнинг оғир даражаси эркакларда кузатилган шахсий хавотирнинг оғир даражасидан 1,7 мартага кўп кузатилди ($p<0,001$). 45-59 ёшдаги беморларда ҳам аёлларда эркакларга нисбатан шахсий хавотирнинг оғир даражаси 1,3 мартага кўплигини кузатдик ($p<0,05$). Бундан кўриниб турибдики 16-24 ёшдаги эркакларда, 25-44 ёшдаги ва 45-59 ёшдаги аёлларда уч шохли нерв невралгиясини даволаш билан биргаликда беморларда кузатиладиган хавотирга ҳам эътибор қаратмоқ зарур. Бу ўз навбатида даволаш усулини танлашда муҳим ҳисобланади. Кузатилган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Эркаклар ва аёлларда ёшга боғлиқ ҳолда хавотир даражасини баҳолаш (%)

Хавотир даражаси		16-24 ёш		25-44 ёш		45-59 ёш		60-75 ёш	
		эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
Реактив хавотир	Енгил	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0
	Ўрта	46,7 ±13,3	56,5 ±10,6	57,6 ±8,7**	38,8 ±6,0**	58,3 ±10,3**	37,9 ±6,0**	56 ±10,1	66,7 ±12,6
	Оғир	53,3 ±13,3	43,5 ±10,6	42,4 ±8,7**	61,2 ±6,0**	41,7 ±10,3**	62,1 ±6,0**	44 ±10,1	33,3 ±12,6
Шахсий хавотир	Енгил	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0	0±0
	Ўрта	40 ±13,1	52,2 ±10,6	54,5 ±8,8*	22,4 ±5,1*	54,2 ±10,4**	39,4 ±6,1**	60 ±10,0	60 ±13,1
	Оғир	60 ±13,1	47,8 ±10,6	45,5 ±8,8*	77,6 ±5,1*	45,8 ±10,4**	60,6 ±6,1**	40 ±10,0	40 ±13,1

Изоҳ: * - $p<0,001$, ** - $p<0,05$ - эркак ва аёл гуруҳлари ўртасидаги фарқ ишончлилиги

Диссертациянинг «Эркак ва аёлларда уч шохли нерв невралгияси кечишининг параклиник хусусиятлари, даволаш ва профилактика чора

тадбирлари» деб номланган тўртинчи бобида жинслар орасида ЭЭГ ва РЭГ киёсий таҳлилларининг ўзига хос хусусиятлари ўрин олган.

Касалликнинг хуруж даврида 71 нафар бемордан 32 нафар беморда (45±5,9) ЭЭГ нинг десинхронли тури кузатилган бўлса ремиссия даврида бу 27 нафарга (38±5,7) камайди ($p<0,05$). Билатерал пароксизмал активлик эса касалликнинг хуружи даврида 17 нафар беморга (24±5,0) кузатилган бўлса, ремиссия даврида 6 нафар беморда (8,5±3,3) кузатилди ($p<0,01$). Невралгия хуружи даврида 22 нафар беморда (31±5,5) Жирмунский классификацияси бўйича I тип нормал ЭЭГ кузатилди. Ремиссия даврида эса 38 нафар беморда (53,5±5,9) I тип нормал ЭЭГ кузатилди ($p<0,01$). Бундан кўришиб турибдики невралгиянинг хуруж даврига нисбатан ремиссия даврида ЭЭГ нинг десинхронли тури ва билатерал пароксизмал активлик камайди, демак оғриқ хуружининг тўхташи ЭЭГ да билатерал пароксизмал активликнинг камайишига сабаб бўлди, бироқ ЭЭГ нинг десинхрон турида ўзгариш кам кузатилди. Буни 6-жадвалда кўришимиз мумкин.

6-жадвал

Уч шохли нерв невралгиясининг хуруж ва ремиссия даврида ЭЭГдаги ўзгаришлар (%)

Ритмлар	Хуруж даври n-71		Ремиссия даври n-71		p<
	n	%	n	%	
Норма	22	31±5,5	38	53,5±5,9	0,01
Десинхронли	32	45±5,9	27	38±5,7	0,05
Билатерал пароксизмал активлик	17	24±5,0	6	8,5±3,3	0,01
жами	71		71		

Жинсга боғлиқ ҳолда тригеминал невралгиянинг хуруж даврида ЭЭГ да эркакларда аёлларга нисбатан юқори ифодаланган синхронизация кузатилди, бу айниқса, касалликнинг ўткир даврида яққол намоён бўлиб, бунга сабаб эркакларнинг оғриққа нисбатан юқори сезувчанлиги деб баҳолаш мумкин.

Олинган маълумотларга кўра ЭЭГда касалликнинг хуруж даврида эркакларда билатерал пароксизмал активлик устунлиги (30: 19,5, $p<0,05$) кузатилган бўлса, аёлларда ЭЭГ нинг десинхронли турида устунлик (56,1:30, $p<0,05$) кузатилди. Касалликнинг хуруж даврида эркакларнинг 40 % да I тур нормал ЭЭГ кузатилган бўлса, аёлларнинг 24,4 % да нормал ЭЭГ кузатилди, гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p<0,05$ (7-жадвал). ЭЭГ нинг десинхронли тури кузатилган беморларда мия дисфункциясининг фаоллашувини кузатиш мумкин. Айниқса аёлларда ЭЭГ нинг десинхрон турининг яққолроқ кузатилиши вегетатив нервнинг симпатик толаларининг активлиги билан боғлиқ бўлиб, биз буни аёлларда ВДС юқорилиги ва хавотирнинг оғир турининг эркакларга нисбатан юқорилигида ҳам кўришимиз мумкин.

7-жадвал

**Уч шохли нерв невралгиясининг хуруж даврида ЭЭГ ўзгаришлари
(антиконвульсантлар қўллашдан олдин)**

Ритмлар	Эркак		Аёл		p<
	n	%	n	%	
Норма	12	40±8,9	10	24,4±6,7	0,05
Десинхрон	9	30±8,3	23	56,1±7,7	0,01
Билатерал пароксизмал активлик	9	30±8,3	8	19,5±6,2	0,05
жами	30		41		71

Уч шохли нерв невралгияси билан касалланган жами 65 нафар беморга невралгиянинг хуруж ва ремиссия даврида томирлар тонусини аниқлаш мақсадида (шундан 35 нафари аёллар, 30 нафари эркаклар) реоэнцефалография текшируви ўтказик. Биз беморларни икки гуруҳга аёллар ва эркаклар гуруҳига бўлиб, олинган натижаларни таққослаб ўргандик. Олинган натижалардан шуни гувоҳи бўлдики, аёлларда тўлқинларнинг ортиб бориш вақти эркакларга нисбатан юқори экан ($0,165\pm 0,007$: $0,143\pm 0,0071$, $p\leq 0,05$). Эркакларда эса бунинг аксини кузатдик яни тўлқинларнинг тушиб бориш вақти аёлларга нисбанан юқорилигини гувоҳи бўлдики. Резистентлик индекси (РИ) ($0,164\pm 0,004$: $0,157\pm 0,004$,) ва дикротик индекс (ДИ) ($78,0\pm 4,39$: $66,7\pm 3,4$, $p\leq 0,05$) ҳам аёлларда эркакларга нисбатан юқорилигини гувоҳи бўлдики. Бундан кўришиб турибдики уч шохли нерв невралгиясининг хуруж даврида аёлларда томирлар тонуси юқори бўлар экан. Бундан хулоса қилиш мумкинки уч тармоқли нерв невралгиясида бош миёда қон айланиш нормага нисбатан фарқ қилар экак, бу ўз навбатида ақниқса аёлларда невралгия хуружи даврида вегетатив активликнинг ошишини билдиради. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8- жадвал

Касалликнинг хуруж даврида РЭГ кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Аёллар n-35	Эркаклар n-30	p≤
1	α	$0,165\pm 0,007$	$0,143\pm 0,0071$	0,05
2	β	$0,727\pm 0,006$	$0,743\pm 0,0048$	0,05
3	РИ	$0,164\pm 0,004$	$0,157\pm 0,004$	-
4	ДИ	$78,0\pm 4,39$	$66,7\pm 3,4$	0,05

Уч шохли нерв невралгиясининг ремиссия даврида беморларда қайта реоэнцефалография текшируви ўтказдик. Қайта текширув натижалардан гувоҳи бўлдики уч шохли нерв невралгиясининг ремиссия даврида айниқса аёлларда қон томирлар тонусининг пасайганлигини кузатдик. Тўлқинларнинг ортиб бориш вақтининг камайиши айниқса аёлларда яққол кузатилган (аёлларда α хуруж даврида $0,165 \pm 0,007$, ремиссия даврида $0,143 \pm 0,006$). Резистентлик индекси ва дикротик индексининг ремиссия даврида ҳар иккала жинс вакилларида ҳам пасайганлигини кузатдик. Аёлларда ремиссия даврида қон томирлар тонусининг пасайганлиги кузатилди, буни оғриқларнинг йўқолиши билан хавотирнинг камайиши ва вегетатив нерв фаолиятининг пасайганлиги билан боғлаш мумкин.

Биз уч шохли нерв невралгияси билан оғриган беморлар ни даволашда 2005 йил Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Ваирлиги томонидан тасдиқланган стандарт ва 2009 йилда Европа неврологлар жамияти томонидан тасдиқланган даволаш стандартларидан четга чиқмаган ҳолда аёллар ва эркаклар орасида даво муолажаларининг таъсирини ўргандик.

Биз уч шохли нерв невралгияси билан оғриган беморларга дастлабки 2 кунда карбомозепиннинг суткалик доза 200 мгни ташкил қилди (ярим табл.дан эрталаб ва кечкурун), кейинги 2 кун мобайнида 400 мг/суткада (1 табл.дан 2 маҳал), сунгра 600 мг (1таб.дан 3 маҳал) дан карбамазепин препаратини қўладик. Кучли оғриқлар эркакларда нисбатан кўп кузатилган бўлсада ижобий томонга ўзгаришлар ҳам эркакларда кўпроқ кузатилди.

